

ШОИРА ЭНАХОН СИДДИҚОВА ИЖОДИ НАМУНАЛАРИ АСОСИДА АЁЛ КОНЦЕПТИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

Матлуба Ҳошимовна ШУКУРОВА

Мустақил изланувчи

Ўзбекистон миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

shukurovamatluba@gmail.com

Аннотация

Мақолада шоира шеърларида “аёл” концепти доирасидаги бадиий мушоҳадалар тадқиқ қилинган.

Таянч сўзлар: когнитив тилшунослик, лингвокогнитив таҳлил, концепт, аёл, она, садоқат, қадрият, миллий ўзлик.

ХУДОЖЕСТВЕННАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ КОНЦЕПТА ЖЕНЩИНА В ОБРАЗЦАХ ТВОРЧЕСТВА ПОЭТЕССЫ ЭНАХОН СИДДИКОВОЙ

Матлуба Ҳошимова ШУКУРОВА

независимый исследователь

Национальный университет Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

shukurovamatluba@gmail.com

Аннотация

В статье исследуется художественная интерпретация в рамках концепта «женщина» в стихотворениях поэтессы.

Ключевые слова: когнитивная лингвистика, лингвокогнитивный анализ, концепт, женщина, мать, верность, ценность, национальная идентичность.

Дунё илм-фани тараққиёти натижаси ўлароқ антропоцентрик тамойилларнинг етакчи мезонга айланиши жараёнида когнитив тилшуносликка эҳтиёж пайдо бўлди. Инсон ўз теварак-атрофини қуршаб турган оламнинг ҳар бир деталини муайян тасаввур, фикр ва тушунчалар орқали идрок этади. Ана шуларни умумлаштирувчи когнитив тилшунослик ёки умуман когнитивистиканинг асосий категорияларидан бири “концепт” атамасидир. Хусусан, муайян мавзу доирасидаги лисоний бирликларни концепт сифатида тадқиқ қилиш тил ва тафаккур муносабатига оид илмларни уйғунлаштириш ва тизимлаштириш имконини берувчи қулай лингвокогнитив платформадир.

Ш.Сафаров таъкидлаганидек, воқеликни акс эттириш тўғридан-тўғри тилнинг вазифасига кирмайди, бу вазифани дастлабки ўринда тафаккур бажаради. Лекин тафаккурда юзага келган ментал тузилмалар тил тизимида ўз ифодасини топади. Сўз, худди бошқа тил бирликларидек, алоҳида бир предметни ёки воқеани атовчи оддий бир ёрлик бўлмасдан, балки воқеликни билиш воситасидир. Лисоний бирликлар воситасида ахборот йиғилади, сақланади ва авлоддан-авлодга ўтади. Бир сўз билан айтганда, тил бирликларининг когнитив жараён кечишидаги ўрни алоҳида эътиборга лойиқдир.

“Концепт” атамаси тилшуносликда биринчи марта С.Аскольдов томонидан муомалага киритилган.

Концепт (лот.conceptual: маъно, мазмун, тушунча) – инсон онгининг руҳий захиралари ва ментал бирликларни ҳамда унинг тажрибаси, билимини акс эттирадиган маълумотларни изохлаш учун хизмат қилувчи атама; хотира, ментал сўзлар ва онг билан боғлиқ фаол бирлик – инсон руҳиятида акс этган олам манзарасининг концептуал тизими, яъни, шахснинг дунё объектларига оид тасаввурлари, ўйлари, тахминлари, билимлари ҳақидаги маълумот.

Р.С.Ибрагимова ўзининг “Француз ва ўзбек тилларида аёл концептининг лингвокогнитив тадқиқи” номли номзодлик ишида турли халқлар маданиятида, *аёл* концептининг бир қатор масалалари тилшунос, социолог, ҳуқуқшунос, исломшунослар томонидан ўрганилганлигини таъкидлайди ва *аёл* концепти француз ва ўзбек тили соҳиблари тафаккурида кўп қатламли концепт бўлиб, миллий-маданий хусусиятга эга ахборотларни ўзида мужассам этувчи, маданият ва миллат тажрибасидан тўйинган концентрат сифатида намоён бўлади, деган хулосага келади.

Р.С.Ибрагимова *аёл* когнитив майдони таҳлили натижасида *аёл* лингвомаданияти, *аёл* умр даври, *аёл* интеллекти, *аёл*га мурожаат, *она* гиперконцепти, *аёл* ташқи кўриниши ва руҳий гўзаллиги, *аёл* сиймосида севги, никоҳ, оила тушунчаларининг акс этиши ва категоризацияланиши каби бир қатор белгиларни ажратади. Шунингдек, француз ва ўзбек тилларида *аёл*

концепти белгиларининг номинатив зичлиги жамиятда унга баҳо беришда умумфикрлилик ва айрим ҳолатларда турли қарашлар мавжуд эканлигини намоён этишини француз тили соҳиблари учун: *интеллект, руҳият, ижтимоий мавқе, ўзаро муносабат, самимият, жозоба* каби тушунчалар асосий маъно касб этган ҳолда, ўзбек тили ва маданиятида: *ор-номус, иффат, ҳурмат, ҳаё, фарзандга, элга фидойилик, ирода, меҳнатсеварлик, уятчанлик, ташқи* ва *ички гўзаллик* каби когнитив белгиларнинг фикран ёнма-ён келишида эканлигини тадқиқот доирасида таҳлил қилади.

Ана шу назарий хулосаларга таянган ҳолда, ишимизнинг моҳиятини Энахон Сиддиқова ижоди намуналари асосида *аёл* концептининг бадиий талқини масаласига қаратамиз. Ўзбекистон халқ шоираси Энахон Сиддиқова ўзининг назмий, насрий, драматик ва публицистик асарлари, таржималари, замонавий эртаклари билан адабиётимиз ва маънавиятимиз хазинасини бойитди.

Турли эллар ва элатларни бир-бирига дўст қиладиган ягона қудрат – юрт ва она меҳридир. Шоиранинг машҳур асарларидан бири – “Она ҳақида қўшиқ” достони, энг аввало, миллий руҳ, миллий ўзлик туйғусининг, қадрият ва дунёқарашнинг бадиий ва ҳаётий оҳангларда рангин ва таъсирчан намоён этиши билан қимматли ва ибратлидир. Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева тўғри таъкидлаганидек, “Достон бир нафасда, бир зарб билан ёзилган, ички оҳанглари жарангдор, жозибали, инсоний самимий туйғулар ифорига қорилган. Воқеалари ҳаётий: ўртантиради, ўйлантиради”. Достон дебоча, етти фасл ва хотимадан иборат. Етти фасл – инсон умри ва кўнглининг етти кунини бир-бирига боғлаб турган нурли ришта. Муаллифнинг ҳаётий позицияси, дунёқарашини, воқеликка муносабати она образида яна ҳам яққолроқ кўзга ташланади. Шоира юксак поэтик тафаккур ёрдамида ота-она ва оилага меҳр тимсолида киндик қони томган табаррук тупроққа садоқатнинг, қондошликнинг янги қирраларини кашф этади, китобхоннинг қалб торларига тегадиган риштани топади.

Халқ оғзаки ижоди Энахон Сиддиқовага битмас-туганмас илҳом манбаи, қайнар булоқ бўлиб хизмат қилди. Зеро, “Фольклор ёзувчи онги ва тушунчаси, хотирасига фақат бевосита ижодий ўзлаштирадиган бадиий материалгина бўлиб қолмай, айти вақтда ёзувчининг тасаввурини кўзғовчи, унга туртки берувчи бой ассоциациялар туғдирувчи, тасвирланувчи воқеликни тўла ва ўз бўёғида бера олувчи мураккаб таассуротлар туғдирувчи кучли бадиий хазина” сифатида шоир истеъдоди ва синчковлигига вобаста, унинг кундалик воқеалардан характерли умумлашмалар яратишига олиб келди. Мумтоз адабиётимизда “Ирсоли масал”, яъни, бадиий асарда мақол, матал қўллаш санъати мавжуд, бу усул ижодкор фикрини тасдиқлашга, таъсир кучини янада оширишга хизмат қилади.

“Она ҳақида қўшиқ” достонига халқ мақолу ҳикматлари, маталлари ўзгача ҳусн ва маъно бағишлаган. Энахон Сиддиқова мақол ва маталлардан, ҳикматли сўзлардан фойдаланиш жараёнида уларга ижодий ёндашади, кўп ўринларда уларга янгича маъно ва жило бахш этади. Натижада, асарнинг эстетик қуввати ошади, таъсирчанлик майдони кенгаяди. Достонда ибора ва мақолларни грамматик жиҳатдан ўзгартириб қўллаш ҳолатлари ҳам учрайди. *Бўлмаганни бўлдириб, Дўппи тикарлар онам [4;21].* (Бўлмаганни бўлдирма); *Онали етимни, оҳ, Гул етим дерлар болам, Отали етимга-ё, очикдир гўрлар, болам* (Онали етим – гул етим, Отали етим – шум етим). *Меҳнатдан ўлмас одам, Хўрлик ўлдирар, болам [4;29].* (Мардни меҳнат енголмас); *Олти милён дур териб, Тўлмади ҳеч косаси.* (Сабр косаси тўлди). *Зор ўтди кафанликка, Оқармади ёқаси* (Косаси оқармади) [4;36], *Йўқ шафиқу меҳрибон Дунё кўзга тор учун [4;53].* (Дунё кўзига тор кўринди).

Бу каби мақол ва маталларнинг ўз ўрнида қўлланилиши аввало достон тилини жонли сўзлашув нутқиға яқинлаштиради ҳамда китобхон тасаввурида она руҳий дунёсининг янада ёрқинроқ акс этишида муҳим омил ҳисобланади. Бинобарин, она тилимиз, тарихимиз, маданиятимиз муносиб ўрнини топаётган бир даврда ўзбекман деган ҳар бир инсон ўз юрти кечмишини ва ҳозирини

мукаммал билмоғи, ўз она тилининг заргари бўлмоғи лозим. Мақол эса сўз кўркигина эмас, дилнинг ҳам, умрнинг ҳам кўркидир.

Достон оналар шаънига бағишлаб яратилган дурдоналар силсиласидир. Унда зиддиятли, мураккаб воқеалар кўп, лекин достон қаҳрамонлари Яратганга шукур қилиб, ҳаётнинг мураккаб ва машаққатли қийинчиликларини нолимасдан енгиб ўтган. Образлар ниҳоятда ҳаётӣй, халқчил, улар ўзларидан меҳр ва муҳаббат нурларини таратиб турган офтобга ўхшайди. Шоира ўхшатиш, жонлантириш, такрор, тазод каби бадиий тасвир воситаларини катта маҳорат билан қўллайди.

Асарда, айниқса, ўхшатишнинг ниҳоятда гўзал ва бетакрор кўринишларини кузатамиз. Шоира отасининг кетмонини кўзгуга (*Кетмонининг кафтида, Ой ҳуснин тарошлаган [4;12]*, онасини фариштага (*Хаёлим супасида Фариштадек ўтирган [4;13]*, гўдакнинг кўзини мунчокқа (*Мунчок кўзи жавдираб, Чирқираб қолган гўдак [4;28]*, волидасининг уқубатли болалигини сомоннинг соврилишига (*Ўгай она қўлида, Сомондай соврилдим-о [4;28]*, етимликнинг азобларини бошга ёғилаётган тошдек қаттиқ дўлга (*Кўзим юсам, бошимга Тош каби ёғади дўл [4;29]*, пахтани оппоқ нурга (*Чаноқлардан бодроқдай, Сочилади оппоқ нур [4;33]*, кексайган онасини чакмоқдан куйган (*Чақмоқ урган дарахтдай, Қуриб бормоқда онанг [4;44]*, мевалари тугаб, тўкилган дарахтга (*Умри тутдек тўкилиб, Кетиб бормоқда онанг [4;44]*, олдинма-кейин чин дунёга рихлат қилган ота-онасини осмонда тизилишиб учган турналарга (*Қоракўз турналардек, Тизилишиб қўш кетди, Ўлимни бол шаробдек Бирин-кетин нўш этди [4;72]*, меҳрибони яшаган уйни жаннатга, ковушининг чангини Каъбага, босган изларини жойнамозга, она кийган бўз кўйлақларнинг бўйини беҳишт боғларининг ифорига менгзайди: (*Жаннат асли онанг турган кулбадир, Ковушининг гарди улуг каъбангдир, Жойнамоздир унинг босган излари, Бўйи беҳишт онанг кийган бўзлари [4;94]*. Булар оддий ўхшатишлар эмас, камалакнинг етмиш рангида чизилган она сиймосидир!

Кўринадики, шоира ўхшатишнинг гўзал намуналарини яратибгина қолмай, қиёслаш жараёнида ҳаётий ва руҳий ҳолатларни халқона, ҳаққоний тасвирлашга эришган ҳамда ўқувчини онага муҳаббат юксак маънавият, улуғвор қадрият эканлигига ишонтирган. Атоқли тилшунос олим, профессор Н.Маҳмудовнинг фикрича, “инсоннинг дунёни билишида ўхшатиш – қиёслаш бениҳоя катта ўрин тутди. Икки ёки ундан ортиқ предмет ёки тушунчани ўхшаш ёки фарқли жиҳатларини аниқлаш мақсадида қиёслаш, таққослаш ташқи дунёни билишнинг энг кенг тарқалган мантиқий усулларида бири сифатида инсон фаолиятининг деярли барча соҳаларида кузатилади. Бу беҳад муҳим мантиқий категория, табиийки, тилда ҳам ўз аксини топади. Ўзбекистон халқ шоираси Энаҳон Сиддиқова қўллаган ўхшатишларда халқона тафаккур нурлари балқиб турибди, улар орқали Онанинг меҳр-муҳаббат, гўзаллик, эзгулик ва буюклик салтанатига дахлдор барча ўзбекона ҳақиқат ва қадриятларни англаш мумкин.

Достон қаҳрамони ҳақиқий ўзбек оналарига хос бўлган диёнат, назокат, қаноат, ҳилм, ҳаё, идрок ва зақо, итоат, садоқат каби энг ноёб фазилатларга эгаллиги учун ҳам ватан ва юрт тимсолига айланади:

Ўтлиг меҳрингиз ҳаққин

Қоғозга дурдай тизгум.

Қарзимни буюк она –

Ватан олдида узгум...

Шоира она образи орқали миллат характери ва тафаккур тарзини, ўзбек аёлининг садоқат ва матонат соҳибаси сифатидаги ички туғёнларини, ноёб сифатларини улуғлайди. Достон шоиранинг юрагида оддий сўз эмас, армонли ва нурли туғёнлар тўлқини шаклида туғилган, қоғозга кўчганида ҳам, ўзанларга сиғмай, тўлиб-тошиб оқди. Минглаб, миллионлаб инсонларнинг кўнгил мулкига, маънавий бойлигига айланади. Эзгуликка ташна инсонларнинг дил кўрғонларини забт этади. Она меҳрини ва қадрини унутган кимсаларнинг қалб кўзини очади:

Ёраб, мен тошларга дил берган бедил,

*Онаси қошига етолмаган қуш.
Энди қанча учмай, қанча чарх урмай,
Ўннга айланмайди ОНА деган туш.
... Райҳон иси келар она тупроқдан,
Баҳор юрагимда илдиз отибди.
Бу юртнинг ҳар хаси азиздир, чунки,
Бағрида Ҳазрати Онам ётибди.*

Бу теран ва бетакрор сатрларда муаллифнинг олам ва одам қисмати, жамият ва инсон тақдири билан боғлиқ ҳаётий-фалсафий, маънавий-ахлоқий фикр-қарашлари ҳам ўз аксини топган. Уни ўқиган ва укқан китобхон асарнинг тарбиявий-маърифий куч-қуввати ошиб, жаҳоний миқёс касб этаётганлигини ҳис қилади. Она – ҳамма даврлар учун муҳим ва долзарб мавзу. Ҳар бир асарнинг мавқеи муаллифнинг фикрий-фалсафий умумлашмалари, адабиёт ихлосмандларининг унга бўлган маънавий эҳтиёжи ва эътибори, муҳаббати билан ҳам белгиланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Воҳидов Э. Ўз қадрини билган сўз қадрини билади. Маънолар маҳзани. Сўзбоши. – Тошкент: Фафур Гулом, 2018.
2. Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли миллий тафаккур маҳсули. Сўзбоши. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Маънавият, 2013.
3. Мўминов Ғ. Изланишларимдан қатралар. – Тошкент: Фафур Гулом, 2006.
4. Сиддиқова Э. Она ҳақида қўшиқ. – Тошкент: Академнашр, 2018.
5. Сиддиқова Э. Сўз устидаги дунё. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014.
6. Тўхлиев Б. Ўзбек адабиёти. – Тошкент: Ўқитувчи, 2000. – 268 б.
7. Ҳожиева О. Мехрдан гулчамбар. Сўзбоши. /Она ҳақида қўшиқ. – Тошкент: Академнашр, 2018.